

2 – масала

“Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2014 йил 14 февралдаги қабул қилинган Ҳайъат қарорлари ижросини таъминлаш тўғрисида”ги масала юзасидан Илмий кенгашнинг 2014 йил 11 апрел 7/2 сонли қарори

Илмий кенгаш “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2014 йил 14 февралдаги қабул қилинган Ҳайъат қарорлари ижросини таъминлаш тўғрисида”ги масала юзасидан ички назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи **Қ.Ю.Абдуллаев**нинг ахборотини тинглаб, ҳамда муҳокама қилиб қуйидагиларни таъкидлайди.

Вазирликнинг 2013 йил 6 ноябрдаги “Олий таълим муассасаларида ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 407-сонли буйруғининг ижроси ҳамда “Олий таълим тизимида ижро интизоми ҳолати ва уни такомиллаштириш масалалари тўғрисида”ги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2014 йил 14 февралдаги 2/4-сонли Ҳайъат қароридан қуйидагилар кўрсатиб ўтилган. Жумладан,

- Баъзи ОТМларида “Олий таълим муассасаларида ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 407-сонли буйруқ асосида проректорларнинг ҳафталик иш режаларига ижодий ёндашилмасдан, намунавий режадан тўғридан-тўғри кўчириб олганликлари;
- Вазирликнинг 2013 йил 9 декабридаги 87-02-2168 сонли модемограммаси (Олий таълим муассасаси тўғрисидаги маълумот) бажарилишида маълумотларни тақдим этиш **муддатидан кечикиш ҳолатлари кузатилганлиги** ва ушбу кечиккан ОТМлар ичида **СамДАҚИ**нинг ҳам борлиги;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2013 йил 3 октябридаги мажлисининг 284-сон Баёни қарорига мувофиқ VII Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркасига тайёргарликни ташкил этиш учун ОТМларидан илмий ишланмалар тақдим этиш вазифаси бир қатор олий таълим муассасалари билан бир қаторда **СамДАҚИ томонидан ҳам бажарилмаганлиги**;
- Олий таълим муассасаларининг 2-жадвал ойлик ҳисоботларининг 4-банди бошқа ОТМлари каби СамДАҚИ томонидан ҳам **тўлдирилмаганлиги** ва мақсадли ўрганишлар натижасида **интизомий чоралар кўрилмаганлиги**;
- Ижро интизомига сусткашлик билан ёндашган, топшириқларни ўз вақтида бажарилишини таъминламаган ва камчиликларга йўл қўйган олий таълим муассасалари орасида **СамДАҚИнинг ҳам борлиги** ва ушбу масала юзасидан **огоҳлантирилганлиги** алоҳида таъкидланган.

Вазирликнинг 2013 йил 6 ноябрдаги “Олий таълим муассасаларида ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 407-сонли буйруғининг ижроси ҳамда “Олий таълим тизимида ижро интизоми ҳолати ва уни такомиллаштириш масалалари тўғрисида”ги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2014 йил 14 февралдаги 2/4-сонли Ҳайъат қарорларининг мазмун ва моҳияти тушунтирилиб, мутассадиларга зарурий топшириқлар берилганлигини инобатга олиб,

Илмий кенгаш қарор қилади.

1. “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2014 йил 14 февралдаги қабул қилинган Ҳайъат қарорлари ижросини таъминлаш тўғрисида”ги масала ички назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи **Қ.Ю.Абдуллаев**нинг ахбороти маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.
2. Вазирлик Ҳайъатининг қарорлари асосида, масъуллар томонидан ички буйруқлар лойиҳаси тайёрлансин ва буйруқда кўрсатилган бандларнинг ижроси таъминлансин. **Масъуллар:** соҳалар бўйича барча проректорлар.
3. Ижро интизомига сусткашлик билан ёндашган, топшириқларни ўз вақтида бажарилишини таъминламаган ва камчиликларга йўл қўйган масъуллар огоҳлантирилсин. **Маъсуллар:** Ички назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи **Қ.Ю.Абдуллаев** ва ҳуқуқшунос-маслаҳатчи **М.Бўриев**.

4. Навбатдаги Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркасида институтда бажарилган илмий ишланмалар билан иштирок этиш чоралари кўрилсин. **Маъсуллар:** Илмий ишлар бўйича проректор.
5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш ўқув ишлари бўйича проректор **А.Т.Кўлдашев** зиммасига юклатилсин.



Илмий кенгаш котиби

Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

3 – масала

“2013-2014 ўқув йилида бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари бўйича кузги семестр якунлари ҳақида”ги масала юзасидан Илмий кенгашнинг 2014 йил 11 апрел 8/1 сонли қарори

Илмий кенгаш “2013-2014 ўқув йилида бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари бўйича кузги семестр якунлари ҳақида”ги масала юзасидан ўқув ишлари бўйича проректор А.Т.Қўлдашевнинг ахборотини тинглаб, ҳамда муҳокама қилиб қуйидагиларни таъкидлайди.

2013-2014 ўқув йилининг кузги семестрида ўқув жараёнида назоратни ташкил этиш, якуний назоратларни ҳолисона, адолатли ўтказиш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 25 августдаги 333-сон буйруғи ҳамда институт ректорининг 2010 йил 6-сентябрдаги 93-у сонли буйруғи билан тасдиқланган «**Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида**»ги Низоми асосида амалга оширилди.

Якуний назоратларни ҳолисона, адолатли ўтказиш мақсадида институтда 2013 йил 27 декабрда қабул қилинган 26-сонли фармойиш асосида институтнинг назорат ва мониторинг бўлими ҳамда ўқув бўлими, ахборот технология маркази ходимлари, ўқув ишлари бўйича проректор бошчилигида комиссия ташкил этилиб, талабаларнинг якуний назорати яхши ва аъло баҳолар учун тест синовлари асосида ҳолисона баҳоланди.

Институтда жами **3399** нафар талабаларнинг жами **2099** нафари (қайта топширишларсиз) рейтинг назоратларни топширишди. Бу институт бўйича жами талабалар ва магистрантларнинг **61.8%** ни ташкил этади. Улардан **814** нафари **4-5** баҳоларга (71 баллдан юқори тўплаган) топширди. Бу кўрсаткич **24%** ни ташкил этади.

Кузги семестр якунлари бўйича қайта топширишларсиз ўзлаштириш кўрсаткичлар факультетлар кесимида қаралганда қуйидагича бўлди.

№	Факультет номи	Умумий талабалар сони	Фанларни баллар кесимида ўзлаштириш бўйича талабалар сони:				Умумий ўзлаштирган талабалар:	
			86-100 балл-га	71-85 баллга	55-70 баллга	54-балл-дан паст балл тўплаганлар	Сон-да	Фоиз-да
1	“Архитектура”	948	94	289	379	186	762	80,3%
2	“Қурилиш”	1096	20	106	385	585	511	46,7%
3	“Қурилишни бошқариш”	478	33	84	152	209	269	56,3%
4	“МКҚ”	764	18	111	347	288	476	62,3%
Жами талабалар		3286	165	590	1263	1268	2018	61,4%
5	Магистратура	113	12	47	22	32	81	71,7%
Институт бўйича жами		3399	177	637	1285	1300	2099	61,8%

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2004 йил 10 мартдаги № 2-П ва 43-сон қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасалари талабаларига стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Йўриқномага (рўйхат рақамлари 1339; 1339-1; 1339-2; 1339-3) мувофиқ ҳар бир ўқув йилига институтда талабаларга стипендиялар тайинлаш бўйича Стипендия комиссияси таркиби тузилиб, юқоридаги кўрсаткичлар бўйича талабаларга стипендия тайинланди.

Рейтинг натижаларини кузатиш асосида яна шулар маълум бўлдики, факультет деканатлари томонидан ҳам кўпгина камчиликларга йўл қўйилган. Яъни, қайдномаларнинг аксарияти рўйхатга олинмаганлиги ва рейтинг қайдномаларни кафедра мудирлари томонидан тасдиқланмаганлиги ҳамда рейтинг қайдномаларини профессор-ўқитувчилар томонидан бузганликларини маълум бўлди.

Юқоридагилардан ҳам кўриниб турибдики, баъзи гуруҳларимизда ўзлаштириш аҳволи ёмон ҳолда, бу гуруҳлар билан гуруҳ мураббийлари факультет деканати ҳамда кафедра мудирлари яқиндан ёндошмаганлар

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида

Илмий кенгаш қарор қилади.

6. “2013-2014 ўқув йили бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича кузги семестр якунлари ҳақида”ги масала юзасидан ўқув ишлари проректори **А.Т.Қўлдашевнинг** ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.
7. Кузги семестр якунлари бўйича талабаларнинг ўзлаштириши ва давомати (давомати паст бўлган талабалар) барча факультетлар илмий кенгашларида кўриб чиқилсин ва таълим сифатини ошириш бўйича чора-тадбирлар белгилансин. **Маъсуллар:** Факультет деканлари ва кафедра мудирлари. **Муддати:** 2014 йил 1 майгача.
8. “Қурилиш” факультети талабаларининг (қайта топширишларсиз) ўзлаштириш кўрсаткичлари пастлиги сабаблари ва шу жумладан талабаларнинг фанларни ўз вақтида (қайта топширишларсиз) ўзлаштириши 50% дан паст бўлган фанлар руйхати аниқланилиб, кафедра, факультет кенгашларида атрофлича ўрганилсин ва уни яхшилаш чора тадбирлари белгилансин. **Маъсуллар:** Факультет декани Б.И.Саидмуродов ва кафедра мудирлари. **Муддати:** 20 кун.
9. Талабаларга жорий ва оралиқ назорат турлари ўз вақтида ўтказилиб, уларнинг натижалари тўғрисидаги маълумотлар рейтинг ойнасида ёритиб борилсин ва назоратга олинсин. **Маъсуллар:** Факультет деканлари, кафедра мудирлари ва дарс ўтувчи ўқитувчи. **Муддати:** Семестр бўйича тасдиқланган жадвал асосида.
10. Талабаларнинг давомати, ўзлаштириши ҳамда талабаларнинг дарсга келиб кетишларини қаттиқ назоратга олинсин ва уларни яхшилашга қаратилган тадбирлар қайтадан ишлаб чиқилсин. **Маъсуллар:** Факультет деканлари, кафедра мудирлари ва гуруҳ мураббийлари. **Муддати:** 2014 йилнинг 20 апрелигача.
11. 2013-2014 ўқув йили кузги семестрини якунлаш бўйича фанларни ўзлаштиришда фақат 3 (уч) тагача фандан академик қарздор бўлган талабаларга бир ҳафта муддатда қайта топширишлари учун рухсат берилсин. **Маъсуллар:** Факультет деканлари ва кафедра мудирлари. **Муддати:** 2014 йилнинг 18 апрелигача.
12. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш ўқув ишлари бўйича проректор **А.Т.Қўлдашев** зиммасига юклатилсин.

Илмий кенгаш котиби



Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

4 – масала

“Малака ошириш факультетида 2013 йилда бажарилган ўқув ва ўқув-услубий ишларнинг ҳолати ҳақида”ги масала юзасидан СамДАҚИ Илмий кенгашининг 2014 йил 11 апрел 7/3-сонли қарори

Илмий кенгаш “Малака ошириш факультетида 2013 йилда бажарилган ўқув ва ўқув-услубий ишларнинг ҳолати ҳақида”ги масала юзасидан малака ошириш факультети декани **Э.М.Маматов**нинг ахборотини тинглаб ва муҳокама қилиб қуйидагиларни таъкидлайди.

Ўзбекистон Республика Президентининг 2012 йил 28 майдаги «Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1761-сонли буйруғи асосида институт қошидаги Малака ошириш факультетида “**Бино ва иншоотлар қурилиши**” ва “**Амалий санъат**” таълим йўналишлари бўйича Самарқанд, Жиззах, Навоий, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг Ўрта махсус касб-ҳунар коллежларининг махсус фан ўқитувчилари ҳамда ишлаб чиқариш таълими усталари малакасини ошириш амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда “Бино ва иншоотлар қурилиши” ва “Амалий санъат” таълим йўналишларига 19 та фан бўйича намунавий ҳамда ишчи ўқув режа ва дастурлар ишлаб чиқилган.

Малака ошириш факультетида Ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари махсус фан ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг малакасини оширишга оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, фармойиш ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор, фармойиш ва буйруқлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буйруқларини ижросини таъминлаш малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети томонидан ишлаб чиқилган, институт илмий услубий кенгашда муҳокама қилинган ҳамда тегишли чора – тадбирлар орқали амалга оширилмоқда.

Институт қошидаги Малака ошириш факультетида соатбай дарс берадиган профессор-ўқитувчилар **14 нафар**ни ташкил қилади.

Малака ошириш факультети тингловчиларини ўқув модулини ўзлаштириш даражасини 100 баллик рейтинг тизимда баҳоланиши йўлга қўйилган. Кириш-чиқиш тести учун тузилган тест саволлари малака ошириш курснинг ўқув режасида келтирилган барча модуллар асосида тузилган, ўқув дастурларининг мазмунига мос келади. Малака ошириш факультети тингловчилари томонидан ёзилган битирув малакавий ишлари институт буйруғи билан тасдиқланган ҳайъатда ҳимоя қилинади ва баҳоланади.

Институт қошидаги Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультетининг тингловчилари малака ошириш жараёнида институтнинг компьютер хоналари ҳамда Малака ошириш факультетига ажратилган **1 дона** видеопроектор, электрон доска билан жиҳозланган **2 та** махсус дарсхонадан ва институтнинг талабалар турар жойидан фойдаланиб келмоқда.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида

Илмий кенгаш қарор қилади.

1. “Малака ошириш факультетида 2013 йилда бажарилган ўқув ва ўқув-услубий ишларнинг ҳолати ҳақида”ги масала юзасидан малака ошириш факультети декани **Э.М.Маматов**нинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Малака ошириш факультетида ўқитиладиган барча фанлардан ўқув-услугий мажмуалар яратилсин. **Масъуллар:** Фан ўқитувчилари ва Малака ошириш факультети декани Э.М.Маматов. **Муддати:** 2014 йилнинг 1 апрелигача.
3. Ўқув режа бўйича барча модуллар мазмунига мос етарлича кириш ва чиқиш тестлари тайёрлансин. **Масъуллар:** Фан ўқитувчилари ва Малака ошириш факультети декани Э.М.Маматов. **Муддати:** 2014 йилнинг 1 апрелигача.
4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш ўқув ишлари бўйича проректор **А.Т.Қўлдашев** зиммасига юклатилсин.

Илмий кенгаш котиби



Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

Ҳар хил масалалар.

Кун тартибидаги ҳар хил масалаларни бошлашдан аввал сўз ўқув бўлими бошлиғи Ш.Бўрибоевга берилди.

“Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг ўқув жараёни ва ўқув-услугий фаолиятни модернизациялаш ҳамда инновацион таълим технологияларини жорий этилишини янада такомиллаштириш режасини тасдиқлаш ҳақида”

Эшитилди:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2014 йил 9 декабрдаги “Олий таълим муассасаларида ўқув жараёни ва ўқув-услугий фаолиятни модернизациялаш ҳамда инновацион таълим технологияларини жорий этилишини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 8/4-сонли Ҳайъат қарорининг институтдаги ижросини таъминлаш мақсадида 2014 йилнинг 8 феввалида институт ректорининг 46-у-сонли буйруғи чиқарилганлигини ва ушбу буйруқ иловасида келтирилган **“Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг ўқув жараёни ва ўқув-услугий фаолиятни модернизациялаш ҳамда инновацион таълим технологияларини жорий этилишини янада такомиллаштириш режаси”**ни тасдиқлаш тўғрисида ўқув бўлими бошлиғи Ш.А.Бўрибоевнинг ахбороти тингланди.

Илмий кенгаш қарор қилади:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2014 йил 9 декабрдаги “Олий таълим муассасаларида ўқув жараёни ва ўқув-услугий фаолиятни модернизациялаш ҳамда инновацион таълим технологияларини жорий этилишини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 8/4-сонли Ҳайъат қарорининг институтдаги ижросини таъминлаш мақсадида 2014 йилнинг 8 феввалида институт ректорининг 46-у-сонли буйруғи билан ишлаб чиқилган **“Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг ўқув жараёни ва ўқув-услугий фаолиятни модернизациялаш ҳамда инновацион таълим технологияларини жорий этилишини янада такомиллаштириш режаси”** тасдиқлансин.

Шундан сўнг кун тартибидаги ҳар хил масалалар бўйича сўз Р.Т.Эшмаматовга берилди.

I. Дарсликни чоп этишга тавсия бериш тўғрисида.

Эшитилди:

“Геодезия, картография ва кадастр” йўналиши бўйича таълим олаётган бакалавр ва магистратура талабалари учун **Д.Ярматова, А.Бобожонов** ва **А.Рахимовлар** ҳаммуаллифлигида яратилган **“Давлат кадастри асослари”** номли дарсликни чоп этишга тавсия бериш тўғрисида Илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Барча керакли ҳужжатлар илова қилинган.

Илмий кенгаш қарор қилади:

“Геодезия, картография ва кадастр” йўналиши бўйича таълим олаётган бакалавр ва магистратура талабалари учун **Д.Ярматова, А.Бобожонов** ва **А.Рахимовлар** ҳаммуаллифлигида яратилган **“Давлат кадастри асослари”** номли дарсликни чоп этишга тавсия берилсин.

II. Ўқув қўлланмани чоп этишга тавсия бериш тўғрисида.

Эшитилди:

“Умумқурилиш ишлари” йўналиши бўйича таълим олаётган касб-ҳунар коллежлари талабалари учун **Х.Қўлдошев** ва **Б.Саидмуродовлар** ҳаммуаллифлигида яратилган **“Бетон қориш ишлари технологияси”** номли ўқув қўлланмани чоп этишга тавсия бериш тўғрисида Илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Барча керакли ҳужжатлар илова қилинган.

Илмий кенгаш қарор қилади:

“Умумқурилиш ишлари” йўналиши бўйича таълим олаётган касб-ҳунар коллежлари талабалари учун **Х.Қўлдошев** ва **Б.Саидмуродов**лар ҳаммуаллифлигида яратилган **“Бетон қориш ишлари технологияси”** номли ўқув қўлланмани чоп этишга тавсия берилсин.

III. Монографияни чоп этишга тавсия бериш тўғрисида.

Эшитилди:

“Қишлоқ архитектураси” кафедраси мустақил изланувчиси **Саид Маноев** томонидан яратилган **“Ўзбекистон замонавий меъморчилигида ансамбл ва комплекслар”** номли монографиясини чоп этишга тавсия бериш тўғрисида Илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Барча керакли ҳужжатлар илова қилинган.

Илмий кенгаш қарор қилади:

“Қишлоқ архитектураси” кафедраси мустақил изланувчиси **Саид Маноев** томонидан яратилган **“Ўзбекистон замонавий меъморчилигида ансамбл ва комплекслар”** номли монографиясини чоп этишга тавсия берилсин.

Эшитилди:

“Архитектура назарияси ва тарихи” кафедраси катта илмий ходим-изланувчиси **Нодира Файзуллаева** томонидан яратилган **“Ўзбекистон тарихий шаҳарларида анъанавий турар-жойлар муҳитини қайта тиклаш концепцияси”** номли монографиясини чоп этишга тавсия бериш тўғрисида Илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Барча керакли ҳужжатлар илова қилинган.

Илмий кенгаш қарор қилади:

“Архитектура назарияси ва тарихи” кафедраси катта илмий ходим-изланувчиси **Нодира Файзуллаева** томонидан яратилган **“Ўзбекистон тарихий шаҳарларида анъанавий турар-жойлар муҳитини қайта тиклаш концепцияси”** номли монографиясини чоп этишга тавсия берилсин.

Эшитилди:

“Архитектура назарияси ва тарихи” кафедраси катта илмий ходим-изланувчиси **Анварбек Айматов** томонидан яратилган **“Ўзбекистон тарихий шаҳар маҳаллалари тараққиётининг асосий тамойиллари (Самарқанд шаҳри мисолида)”** номли монографиясини чоп этишга тавсия бериш тўғрисида Илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Барча керакли ҳужжатлар илова қилинган.

Илмий кенгаш қарор қилади:

“Архитектура назарияси ва тарихи” кафедраси катта илмий ходим-изланувчиси **Анварбек Айматов** томонидан яратилган **“Ўзбекистон тарихий шаҳар маҳаллалари тараққиётининг асосий тамойиллари (Самарқанд шаҳри мисолида)”** номли монографиясини чоп этишга тавсия берилсин.

VI. Инновация ва интеграция маркази Низомини тасдиқлаш тўғрисида.

Эшитилди:

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти қошидаги “Илмий тадқиқот сектори” расман ёпилганлигини маълум қилган ҳолда, унинг ўрнига **“Инновация ва интеграция маркази”**ни очиш мақсадида унинг **Низомини** тасдиқлаш тўғрисида Илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Ушбу Низом институтнинг режа-молия бўлими ва ҳуқуқшунос-маслаҳатчи билан келишилган.

Илмий кенгаш қарор қилади:

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти қошида очилиши режалаштирилаётган **“Инновация ва интеграция маркази”**нинг **Низоми** тасдиқлансин.

V. Ўқув маркази номини ўзгартириш тўғрисида.

Эшитилди:

“Информатика ва ахборот технологиялари” кафедраси қошида ташкил этилган “Иқтисод, тадбиркорлик ва молияда компьютер” ўқув марказининг номини “Компьютер саводхонлиги” деб ўзгартириш тўғрисида Илмий кенгаш котиби Р.Т.Эшмаматовнинг ахбороти тингланди.

Илмий кенгаш қарор қилади:

“Информатика ва ахборот технологиялари” кафедраси қошида ташкил этилган “Иқтисод, тадбиркорлик ва молияда компьютер” ўқув маркази номи “Компьютер саводхонлиги” деб ўзгартирилсин.

Илмий кенгаш котиби



Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов